



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI HOKIMINING
Q A R O R I

Termiz shahri, At-Termiziy ko‘chasi 1-uy. 190100, tel.: (+99876) 224-00-15, surxon@exat.uz, gov@sdv.uz

20 21-yil “ 16 ” yanvar

К-41 -son

Termiz sh.

**Бандихон тумани “Ойбек Бандихон” массиви
худудидан “BEKZOD O‘G‘LI BEXRUZBEK”
МЧЖга “Автомобилларни вақтинча сақлаш
майдончаси”ни қуриш учун ер майдони
ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 5,87-моддаларига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон Фармонида, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2021 йил 05 январдаги 03-02/13-сон йиғилиш баёни, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармасининг 2020 йил 24 декабрдаги 45-сон хулосаси, Бандихон тумани ҳокимининг 2020 йил 14 октябрдаги 01-03/3437-сон хатини инобатга олиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Бандихон тумани “Ойбек Бандихон” массиви худудидан “BEKZOD O‘G‘LI BEXRUZBEK” МЧЖга туман ҳокимлиги захира ер фондидан қишлоқ хўжалик ҳаритасининг 1309қ-дала контуридаги 0,30 гектар яйлов ер майдонида “Автомобилларни вақтинча сақлаш майдончаси”ни қуриш учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

2. “BEKZOD O‘G‘LI BEXRUZBEK” МЧЖ 0,30 гектар яйлов ер майдони “Автомобилларни вақтинча сақлаш майдончаси”ни қуриш учун қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш мақсадида 3 771 414 (уч миллион етти юз етмиш бир минг тўрт юз ўн тўрт) сўм давлат тўлов қоплама қийматини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги фазначилиги Тошкент ХККМ Марказий банкининг ҳисоб рақами 23402000300100001010 СТИР: 201122919 код: 00014 бюджет ҳисоб рақами 4014108609224013450717186 га беш кун муддатда тўлаб берилишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармаси (Ж.Усмонов)га ажратилган ер

майдонидан самарали ва мақсадли фойдаланилишини доимий назорат қилиб бориш ҳамда ер ҳисоботиغا тегишли ўзгартириш киритиш юклатилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр палатаси Сурхондарё вилоят бошқармаси (С.Шаймарданов) ер участкаси чегараларини жойида (натурада) белгилашни амалга оширсин ҳамда ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

5. Вилоят қурилиш бош бошқармаси (К.Эшматов) қонунчиликда белгиланган тартибда қурилиш ишларини лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқлигини мониторинг қилиб борсин.

6. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари А.Суванкулов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов